

MS EXCEL ЭЛЕКТРОН ЖАДВАЛ МАВЗУСИНИ ҚИЁСИЙ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.

К.У.Бабаджанов (Урганч Давлат университети, ўқитувчи)

Р.Р.Рахимов (Урганч Давлат университети, ўқитувчи)

Информатика ва АТ ларининг ривожланиши инсон фаолиятининг ҳозирги кундаги ижтимоий-иқтисодий ва технологик жиҳатдан қайта қуришни ҳамда жамиятни ахборотлаштириш жаранига катта эътибор беришни тақозо қилади. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида интеллектуал фаолиятнинг ривожланиб бориши ҳисобланади. Жамиятни ахборотлаштириш жараёнининг асосий масалаларидан бири сифатида нафақат ахборот технологияларидан фойдаланишни биладиган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш, балки ўзларининг профессионал фаолиятида информатикани тадбиқ қила оладиган мутахассисларни тайёрлаш назарда тутилади.

Информатика фанини ўқитиш жараёни умумий ўрта таълим мактабларидан бошланиб академик-лицей ва касб-хунар коллежларида давом қилади. Бунда ўқув жараёнини ривожлантирувчи тарзда кенгайиб ва чуқурлашиб бориши фан дастурлари асосида намоён бўлади, бунда албатта ўқув мазмуни такрорланиши одатий ҳолат ҳисобланади, бу эса ўз навбатида вақтни ортиқча сарфлашга ва таълим мазмунига таъсир қилади. Олий таълим тизимининг “Информатика ва АТ” фанини номутахассис таълим йўналишларида ўқитишда ҳам ўзига хос бир қанча муаммоларга дуч келиш мумкин:

- ўқув режасида фанни ўқитишга ажратилган вақтнинг камлиги. Масалан ” Иқтисодиёт” таълим йўналишида айрим мавзулар учун соатларнинг миқдори жуда кам, матн ахборотларни қайта ишлаш технологиялари мавзусига, иқтисодий масалаларни қайта ишлаш технологиялари мавзуларига ажратилган вақт миқдори бунинг яққол далилидир, ваҳоланки бу мавзулар юқорида келтирилган таълим йўналишининг ва умуман бошқа йўналишлар учун ҳам кейинги касбий фаолиятида алоҳида ўрин эгаллайди.

- ўқув дастурида келтирилган мавзуларнинг кенг ва чуқур тарзда берилмаганлиги.

Бу муаммоларни яна давом қилдириш мумкин. Муаммоларни ҳал қилиш учун одатда замонавий ўқитиш услубларини қўллаш, ахборот-коммуникацион технологияларни ўқув жараёнига кенг тадбиқ қилиш заруриятини келтириб чиқаради. Умуман информатика фанини қайси нуқтаи назардан қарашга боғлиқ, бу уни ўқитиш жараёнига албатта таъсир қилади.

Биринчидан информатикани фанини мустақил илмий соҳа сифатида қараш, бу ҳолда информатика замонавий илмий фан нуқтаи-назаридан қаралади,

Иккинчидан, информатика фани ўқитиш предмети сифатида қаралади. Бу ҳолда ўқув муассасасида қабул қилинган ўқув тизими талаблари, ДТС талаблари ва амалиёт (касбий фаолият)да қўлланиш талаблари ҳам эътиборга олиниши керак.

Учинчидан информатика фани умумий қўлланиладиган ва ўқув юртларининг ўқув режаларида ўз аксини топган предмет сифатида қаралади.

Номутахассислик таълим йўналишлари учун информатикани иккинчи ва учинчи йўналишлар бўйича қараш зарурияти юзага келади.

Информатика фанини ўқитишда номутахассис йўналишларни ҳам алоҳида турларга ажратиш мақсадга мувофиқ деб қаралади, масалан иқтисодий, техник ва филологик йўналишларга.

Бу ўз навбатида информатика фанини ўқитишни юқорида келтирилган иккинчи йўналиш бўйича амалга ошириш керак бўлади. Айнан ушбу ҳол учун информатика фанининг айрим мавзуларини ўқитиш масаласини қараб чиқамиз.

Информатика фанини ўқитиш иқтисодий йўналишларда MS Excel электрон жадвалида формулалар ва функциялар билан ишлаш асосларини ўрганиш учун 2 соат маъруза ва 4 соат ҳажмида тажриба дарслари учун вақт ажратилган бўлса, филологик йўналишлар учун ҳар бир машғулоти турига 2 соатдан вақт ажратилган, ваҳоланки MS Excel электрон жадвал процессорида мавжуд бўлган функциялар 400 дан ортиқдир, лекин бу функцияларни қўллаш учун формула тушунчасини киритиш ва унга функциялар киритиш ҳам вақт талаб қилади, бу ўз навбатида юқорида келтирилган вақт масаласини янада мураккаблаштиради.

Бу муаммоларни ҳал қилиш учун ўқитиш жараёнида янги педагогик технологияларни, ўқитиш методларини, ахборот коммуникацион технологияларни қўллаш мумкин. Лекин юқоридагилар билан биргаликда қиёсий ўқитиш услубини қўллаш таълим сифатини янада оширади. Қиёсий ўқитиш тизимини қуйидагича ифодалаб ўтаемиз. Бизга маълумки MS Excel дастурини ўргатиш ҳамиша MS Word дастурини ўргатишдан кейин келади. Шу сабабли MS Word ва MS Excel дастурларининг ўхшаш ва фарқли томонларини қиёсий таҳлил орқали ўргатишни тавсия қиламиз ва уларнинг айримларини келтириб ўтаемиз.

MS Word дастури табица менюсидаги формула бўлими ва MS Excel дастуридаги формула бўлими орасидаги боғлиқликни кўраемиз. MS Word дастурида MS Excel даги каби электрон жадваллардан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд. Word дастури табица менюсидан формула бўлими танланади. Менюнинг «Табица»-- «Формула» -- Формула бўлими формула, сонлар формати , «вставить функцию ва вставить закладку лардан иборатдир. Формула бандида MS Excel дагидек “=” белгисидан кейин формула ёзилади ва энтер клавиши босилиши билан натижани чиқаради. Масалан: =a1+b2. Агарда формула киритмоқчи бўлган ячейкадан чапда ячейкалар бўлса у ҳолда формула бўлими танланиши билан =SUM(LEFT) кўриниши таклиф этади. «Табица»-- «Формула» --« Вставить функцию» менюсида функциялар рўйхати мавжуд бўлиб керакли функция бу рўйхатдан танланади ва аргументлар киритилади, натижада жадвалда тайёрланган формула ҳосил бўлади. Мисол тариқасида бир неча функцияларни қиёсий таҳлил услубида қараб чиқамиз:

MS Word дастурида:

INT функцияси – вазифаси, аргументнинг бутун қисмини ҳисоблайди
=INT(3,99) натижа 3 ;

=INT (3,35) натижа 3;
=INT(a1) натижа a1 катакдаги қийматнинг бутун қисмини ҳисоблайди;
=INT(-3,9) натижа -3 ;
=INT(-3,5) натижа -3 ;

Аргумент сифатида ячейка адреси ёки қиймат берилади.

MS Excel дастурида унга мос функция сифатида «ЦЕЛОЕ» функцияси қаралади:

«ЦЕЛОЕ» бу функция берилган ҳақиқий сонни энг яқин кичик бутун сонга яхлитлайди.

=ЦЕЛОЕ(-3,35) натижа -4
=ЦЕЛОЕ(-3,9) натижа -4
=ЦЕЛОЕ (a1) натижа a1 катакдаги қийматнинг бутун қисмини ҳисоблайди;
=ЦЕЛОЕ(3,35) натижа 3

Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки мусбат аргументларда айнан ўхшаш лекин асосий фарқ манфий аргументларда намоён бўлади:

Масалан:

=INT(-3,9) натижа -3
=INT (-3,35) натижа -3
ва
=ЦЕЛОЕ(-3,35) натижа -4
=ЦЕЛОЕ(-3,9) натижа -4

Қиёсий ўқитиш услуги одатда бирор параметри билан ўхшаш объектларни ўрганиш ёки ўргатиш жараёни сифатида қаралади.

Бунда ўхшашлик параметрлари сифатида функциянинг номи ёки унинг бажарадиган вазифалар назарда тутилади. Буни юқорида келтирилган масалаларда кўриб чиқдик. Қиёсий ўқитиш услубини қўллаш жараёнида мос функциялар учун сарфланадиган вақт анча тежалади ҳамда талабаларда ижодий фикрлаш ва хулосалар қилиш қобилиятларини ривожлантиради.

Адабиётлар

- 1 Арипов М.М., Бабаджанов К.У. Объектга йўналтириган дастурлаш тилларини қиёсий ўқитиш услугиёти. Физика, математика ва информатика журнали, 2009 й
2. М.М. Aripov, J.O'. Muxammadiyev . «Informatika, Informatsion texnologiyalar». Oliy o'quv yurtlari uchun darslik .Toshkent,2005.
3. Р.Винтер, П. Винтер Microsoft Office Windows 95. Наиболее полное руководство в подлиннике BHV. Санкт-Петербург 1996 г.

Бабаджанов Камилджан Уразбаевич
Урганч Давлат университети, ўқитувчи
+998975113320, bku1960@mail.ru
Рахимов Рахимжон Ражапбоевич
Урганч Давлат университети, ўқитувчи
+998907256625, rahimjon03@mail.ru

Замонавий ахборот ва педагогик технологиялари – таълим сифатини
ошириш фактори